

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 9 октябрь, чоршанба

№80 (11.468)

Эркин нарҳда сотилади

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Шу йилнинг 6-7 октябрь кунлари Молдова пойтахти Кишинёвда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Кишинёвга ташрифи Молдова Президенти Владимир Воронин билан учрашувдан бошланди. Учрашувда Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

7 октябрь куни МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари "Кодру" қароргоҳида тор доирада суҳбатлашди. Унда Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилаётган ишлар, МДХ фаолияти, мамлакатлараро

иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлиги янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

МДХ доирасида бундай учрашувлар кўп бўлган. Уларда аъзо давлатларнинг аввало ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларини кенгайтириш, шу йул билан мазкур тузилма фаолиятини аъзо мамлакатлар манфаатига хизмат қилдиришдек хайрлик ҳаракатлар максат қилиб қўйилган. Жаҳонда глобал миқёсдаги интеграциялашув жараёни кечаётган ҳозирги даврда МДХ фаолияти ушбу жараёнга мосми? МДХ аъзо мамлакатларнинг турли со-

ҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириб бориш бора-бора давр талабига жавоб берадиган тузилма бўла олаётими?

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Кишинёвга жўнаб кетиш олдида журналистларга берган интервьюсида бу борада қуйидагиларни баён қилди. — МДХ фаолиятида кейинги пайтлари анча суясиш кузатишмоқда, — деди Президентимиз. — Аҳвол шу зайдда давом этса, бу тузилманинг келажаги қандай бўлади, деган табиий савол туғилади. Аммо Ҳамдўстлик улкан миқоқда давлатлараро иқтисодий, ижтимоий, сиёсий алоқаларни чуқурлаштириш, турли соҳаларда, айниқса иқтисодий ҳаёда ҳамкорлигини кенгайтириш йўлида ягона ташкилот бўлиб

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗARO АНГЛАШУВ — УМУМИЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

5-6 октябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари - Ислам Каримов, Нурсултон Назарбаев, Аскар Акаев ва Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислам Каримовнинг Душанбега ташрифи ҳукумат қароргоҳида Тожикистон раҳбари билан учрашувдан бошланди. Унда Президентлар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тожикистон Президентининг Душанбеда бўлиб ўтган янги қароргоҳида мезбон мамлакат ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда икки

ва кўп томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди. Таъкидламоқ жоизки, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янги ҳақда ташкил этилган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" демократик тузилмадир. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, у аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч таъминлашга таянган ҳолда кенг қўламли мулоқотлар ўтказиш, умумий муаммоларга қелишув ва маслаҳатлар орқали умумий ечим топиш иккинчи яратди. Илгари Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти фаолияти

фақат иқтисодийга оид масалалар билан чекланган бўлса, унинг замида тузилган янги ташкилот олдида барча соҳаларда ҳамкорлигини ривожлантириш мақсади қўйилган. Шу боис Душанбе саммитида кўп ва хилма-хил масалалар муҳокама этилди.

Аввало минтақамиз мамлакатларини бефарқ қолдирмайдиган Афғонистонда ҳали ечимини топмаган қўлаб муаммолар мавжуд. Ислам Каримов таъкидлаганидек, Афғонистонда террор ўчоқлари аксон қилинди, лекин мамлакатда ҳамон наркотик моддалар муаммоси бартафат этилгани йўқ. Бундан ташқари, ҳали Афғонистонни қуролсизлантириш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда миллий армияни шакллантириш борасида кўп иш қилиниши керак.

Албатта, аксилтеррор опера-

## Вилоят ҳаёти

### МАРКАЗДА ЁШЛАР МАЖМУИ

Бўстонлик тумани қишлоқлари йил сайини ободонлаштириш бормоқда. Қисқа фурсат ичида Ҳазрат шаҳри, Қоронқул ва Қўшқўрғон қишлоқларида чойхона, Соёликда янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди.

Шу кунларда туман марказида Ёшлар мажмуи қад ростилапти. Унинг қурилишига туман ҳокимлиги бир миллион сўм ажратди. Бу марказда дискотека, кутубхона ва турли машғулотлар учун хоналар жиҳозланади. **Жўрабек МУРОДОВ.**

### «АДРА» КўМАГИ

Янгийўл шаҳар Ногиронлар жамияти бошқаруви аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ҳамхўрлик қилиб келмоқда.

Бу борада қорхоналар, фирмалар, хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўз самарасини бераётди. Ҳозир жамиятининг 30 дан ортиқ хомийлари бор.

Кейинги пайтларда жамият чет эл хайрия ташкилотлари билан ҳам муштахкам алоқа ўрнатмоқда. Яқинда Американинг «Адра» халқаро инсонпарварлик кўмаги ташкилоти ҳамкорлигида 1300 дан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар кийим-кечак билан таъминландилар. **Зухра ҲАЙДАРОВА.**

### ХИЗМАТ КЕНГАЙДИ

Ангренидаги «Сайёра» фирмаси аҳолига хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириб, янги тармоқлар барпо этмоқда.

Яқинда шаҳар марказида унга қарашли дўкон фойдаланишга топширилди. Бу ерда неча сотувчи аҳолига хизмат кўрсата болади. Дўкон атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли андиликда рўзгор учун керак бўладиган уч-бу нарсаларни харид қилиш учун узоққа бориб юриш машаққатидан халос бўлди.

### ЗИЁРАТ

«Нуроний» жамғармасининг Қиррай тумани бўлими Қариларни қадрлаш йиллида уруш ва мўҳнат фахрийлари учун турли хайрия тadbирлари уюштирилди.

Яқинда бўлим ташаббуси билан 46 нафар ота-она ва онахонлар Бухоро ва Самарқандга бориб келдилар. Улар икки кун давомида қадимий шаҳарларнинг тарихий ёдгорликлари билан танишилди, қатор қадам-қadam зиярат қилдилар. Қариларни хурсанд қилган бу хайри ишга туман ҳокимлиги, «Ўзбекгеология» бирлашмаси ва унинг Бухордаги экспедицияси яқиндан ёрдам беришди.

## МАЖМУА МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Уктам Исмоилов бошқарди.

Мажлисида 2002 йилнинг тўққиз ойида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича амалга оширилган ишлар яқунлари кўриб чиқилди.

Таъкидландики, жорий йил бошидан буюн 1182 та қорхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди ҳамда хусусийлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 марта кўп. Хорижий сармоядорларга қиймати 22,2 миллион АҚШ долларидан ортиқ акциялар ва объектлар, шу жумладан 43 та объект сотилди. Бу 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 марта кўпдир. Шунингдек, 19 та қўшма қорхона ташкил этилди.

Ҳукумат қарорларида мубофиқ қорхоналарнинг мулк ва низом жағғармаларини рўйхатдан ўтказиш натижасида умумий миқдори 42,5 миллиард сўм, шу жумладан 2002 йилда 17,7 миллиард сўм давлат активлари аниқланди ва қайта тикланди. Шу билан бирга мажмуа мажлисида айрим вазирлик ва идоралар томонидан катта миқдордаги давлат активларини сотиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилгани таъкидланди. Улар орасида "Ўзкимсанот", "Ўзқилиқ-жалиқаш-холдинг", "Ўзбекистон темир йўллари", "Шарк", "Ўзбекэнерго" компаниялари, "Ўзқоғалсанот", "Ўзэлтехсанот" уюшмалари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бор.

Жорий йил бошидан буюн 37 мингта кичик ва ўрта бизнес қорхонаси ташкил этилган бўлиб, 1 октябрга қелиб мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес қорхоналари 231,6 мингтага етди. Фаолият кўрсатган фермер хўжалиқлари сони 70,4 мингтага, юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжалиқлари сони эса 18,9 мингтага етди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 292,1 мингта янги иш ўрни яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 138,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 2001 йилнинг тўққиз ойи мобайнида берилган кредит маблағларидан 1,3 марта кўпдир.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Пахта - 2002

### ХИРМОНГА БАРАКА КИРАЯПТИ

Деҳқоннинг табиати қизиқ. У кўнглига тугиб қўйган мақсадни амалга оширмагунча, тиниб-тинчимайди. Айниқса, галвирни сувдан кўтариш — хирмон уюш пайти келганда ташвиши, безовталиги икки-уч ҳисса ортади. Бунинг тушунса бўлади. Шундай эмасми?

— Албатта-да, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» ширкат хўжалиги-раиси Тожимамат Худойкулов, — куз ҳавоси беқарор бўлади. Агарда ҳаво шир этиб ёғиб берса, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг салмоғига ҳам, сифатига ҳам жиддий путур етади. Шунинг учун шошилиш керак, барча имкониятларни ишга солишимиз зарур. Шундай қиялпимиз ҳам.

Хирмоннинг кун сайин юқсалиб бораётганини раиснинг сўзларини тасдиқлаб турибди: 923 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш кун сайин қизиқ бормоқда. Қишлоқдаги барча аҳоли теримга сафарбар этилди. Шунингдек, Чирчиқ шаҳри меҳнаткашлари ҳар йилда-гидек хашарга барвақт этиб келдилар. Айни кунларда

улар деҳқонлар билан бир сафда меҳнат қилмоқдалар. Иккита «Кейс» терим машинаси ҳам унумли ишлаб, хирмонга барака киритяпти.

Теримчилар, хашарчилар, механизаторлар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиняпти. Ҳар бир килограмм терилган пахта учун 28 сўмдан нақд пул тўлаб турилибди.

Шундай бўлгач, даладаги ҳосил ёгин-сочинли кунларга қолдирилмасдан, эрта муддатларда йиғиб-териб олинади. Бу йил қорасувликлар ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиб, давлатга 2700 тонна пахта сотишни режалашган.

**Н. ИСАЕВ**  
СУРАТДА: терим машиналари ҳайдовчилари (чапдан ўнғига) Маҳмуд Каримов, Ҳамид Қурбонов, хўжалик раҳбари Тожимамат Худойкулов, ижарачи Раҳимбек Асылбековлар.

**Александр Мальцев олган сурат.**

### ● ШУ СОНГА ● ШУ СОНГА ●

Чиноз туманидан яна бир хушxabар келди. Тумандаги Т. Эрназоров номи ширкат хўжалиги ҳам давлатга пахта сотиш шартномасини ортиги билан бажарди.

Ҳар гектар майдондан режадаги 29,3 урнига 29,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, қабул пунктларига 590 тонна юқори навали хомашё топширилди.

Э. Ҳолбоев, А. Суянов, С. Ёқубжонов бошчилигида меҳнат қилган пудратчилар хўжалик хирмонига, айниқса, баракали улуш қўшилди. Бу бригадаларда ҳосилдорлик 32-33 центнерга етди.

Хўжалиқда терим қизғин давом этмоқда. Эндиги мулжал давлатга яна камида 100 тонна пахта топшириб, ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишди.



## Пахта - 2002

### КАРВОНБОШИГА ХОС СУРЪАТ

Ўртачирчиқ, Чиноз, Бекобод, Пскент туманлари кунига йиллик режанинг тўрт фоиздан ошириб пахта тайёрлаб, йиғим-теримда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Мавсум бошиданқоқ пешқадамликни кўлга олган Чиноз тумани пахтакорлари ҳамон кунлик суръатда бўш келмай, марра сари дадил интилоқдалар. Шунингдек, Оққўрғон, Бекобод, Янгийўл туманлари ҳам йиллик марранинг ярмидан ўздилар. Айниқса, вилоят бўйича энг кўп пахта етиштирадиган Бекобод тумани меҳнаткашларининг гайрат-шижоатларига тан бермоқ лозим. Даладаги ҳосил асосан кўлда терилаётганига қарамай, улар кунига 4 фоиздан ошириб пахта топшириб, пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотдан кўриниб турибдики, қайси туманда машина терими-га эътибор қўйилганли-

Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2002 йил 8 октябргача бўлган

### МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буюн (фоиз ҳисобида)		
Чиноз	4,41	65,23
Оққўрғон	3,69	52,32
Бекобод	4,20	50,25
Янгийўл	2,77	50,16
Юқоричирчиқ	3,34	48,77
Ўртачирчиқ	4,55	48,06
Бўжа	3,46	45,07
Пскент	4,14	41,03
Қуйчириқ	3,60	33,16
Вилоят бўйича	3,84	47,36

### ҲАШАРЧИЛАР ҲАМ БЎШ КЕЛМАЯПТИЛАР

Айни кунларда шаҳар ва қишлоқлардан чиққан хашарчилар, деҳқонларнинг оғирини енгил қилмоқдалар.

Нихоят Ўртачирчиқ туманида ҳам машиналар теримга сафарбар этила бошланди. Шу туйғайли 7 октябрь куни йиллик режанинг 4,55 фоизи миқдорда пахта тайёрланди, туман кунлик ҳосилида биринчи ўринга чиқди.

Кечаги кунгача вилоят бўйича 132 599 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик режанинг 47,36 фоизига тенгдир. Кунлик терим суръати эса 3,84 фоизни ташкил этди.

Айниқса, Юқоричирчиқ туманида меҳнат қилётган 4000 дан ортиқ паркентлик хашарчилар эришаётган кўрсаткичлар салмоқлидир. Кунини кеча беш кунликка яқин чиқарилганида паркентлик хашарчиларнинг қисқа вақт ичида уйган хирмонлари 2100 тоннадан ортиб кетганлиги маълум бўлди. Улар меҳнатларига яраша ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқдалар. Хусусан, икки хашарчи жамоага биттадан кўй мукофоти берилди.

Энг кўп пахта терган илгор хашарчиларга эса қимматбаҳо совғалар топширилди. **Тўйчи ДУСТМАТОВ.**

# AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна бошланди. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин. Севимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади — сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

## Вилоят ҳаёти



Асосий қонуниверситетни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

67-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.



Ушбу модда Конституциянинг чуқур демократик хусусиятини намоён этади. Республикаси илгариги конституцияларнинг ҳеч бирида бундай модда бўлмаган. Бу эса матбуот эркинлиги, ошкоралик, чоп этилган ва ҳўнатилган ахборотнинг ҳамма учун фойдаланиш мумкинлиги ва ишончлилигига салбий таъсир кўрсатган. Расман эълон қилинган эркинликлар жуда қаттиқ цензура туфайли йўққа чиқарилган эди. Архив материалларидан фойдаланиш назорат қилинар ва аҳолининг асосий қатлами учун тақиқланган эди. Фуқаролар ҳақиқий ахборот олиш имкониятидан ва бинобарин, ҳокимиятдан маҳрум этилган эдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»-ги (1996 йил, август), «Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида»-ги (1996 йил, сентябрь), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»-ги (1997 йил, апрель), «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги (1997 йил, апрель), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги (1997 йил, декабрь) қонуналарида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Телевидение ва радионинг Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида»-ги (1996 йил, май) Фармонида ҳамда бир қатор бошқа норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Журналистнинг мажбуриятлари, Ўзбекистонда ҳамда хорижда ўз касбий бурчаларини бажараётган вақтда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунини, юқориди номилари келтирилган билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг дахлсизлиги ва кафолатлари мажбур қонуналарнинг моддаларида аниқ ифодаланган. «Инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Европа конвенциясининг 10-моддасида сўз ва матбуот эркинлиги демократик жамиятда давлат ҳавфсизлиги, ижтимоий осойишталик манфаатлари йўлида, тартибсизликларнинг олдини олиш, ахлоқни ҳимоя қилиш, бошқа шахсларнинг обрў-эътибори ёки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёхуд одил судловни таъминлаш мақсадларида мажбурият ва жавобгарлик юклаш имкониятини келтириб чиқаради.

Шарҳланаётган модданинг муҳим жиҳати шундаки, унда цензура бутунлай бекор қилинади. Цензуранинг тақиқланиши оммавий ахборот воситалари ходимларининг ташаббускорлиги ва ижодий фаолигини ривожлантиришга, шунингдек, демократик ва ошкоралик принципларининг қарор топишига ёрдам беради.

Эргаш САЙТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

МИКРОБИОЛОГЛАРНИНГ ЯНГИ БИОЎФИТИ

Қанд лавлаги ўсимликларини зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлардан асраш учун уруғларга инсектицидлар ва фунгицидлар билан ишлов берилади. Бирок, бу об-ҳаво ва тупроқ иклим шартлари қийинлашганда экиннинг ўсишини 25-30 кунга секинлаштиради.

Бундан ташқари, пестицидлар ва фунгицидлар тупроқ ҳосилдорлигига ва илди-га салбий таъсир кўрсатади, уларнинг сифатини пасайтиради.

Фанлар академияси Микробиология илмий-тадқиқот институти олимлари биофунгицидлар ва биофитлардан фойдаланган ҳолда қанд лавлагига уруғининг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошириш соҳасида фаол изланишлар олиб бормоқда. Қанд лавлагининг тоза, дори-

ланмаган уруғлари фосфоробактериянинг махсус суяқлигига солинди. Бу модда витаминлар, аминокислоталар, углеводлар, ўсимликнинг ўсишини кўчатирувчи моддаларга бой бўлиб, шунингдек у уруғда физиологик фаол моддаларни сунъий равишда кўпайтириш учун ишлатилади. Натиждада уруғлик 4-5 кундаёқ деярли юз фоиз униб чиқади. У.э.А.

Қишлоқ ва ислоҳот

ШОЛИКОР ОИЛА БОРКИ, МИЛЛИОНЕР

Бу — муболага эмас. Кўйичирчиқ туманида шундай хўжалик бор. У шолчиликка ихтисослашган.

Лекин гап бунда эмас. Зеро, пахтачилик ва галлачиликдан ҳам ҳар йили ўн миллионлаб соф фойда олаётган хўжаликлар, айниқса, мустақил фермерлар вилоятимизда оз эмас. Шу билан бир вақтда шולי ҳосилдорлигини 30 центнерга етказса олаётган хўжаликлар ҳам кўп қолмади.

Гап шундаки, Навоий номи ли ширкат хўжалигида асосий эътибор далада ишлаётган ҳар бир оддий шолкорнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга қаратилди. Пировад умумий хирмон ва шу тартиб асосида тенг тақсимот деган гапларга чек қўйилди. Бригада тизими бўлиб муносабатларига мослаб тақомиллаштирилди. Яъни ҳар бир бригадани ички оилавий пудрат жорий этилди. Бу дегани ким қандай ишласа, шунга қараб даромад кўрадиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, бригадалар хўжалик таркибидидаги мустақил ширкатларга айланди. Энди улар ўзлари га бирктирилган ерда агротехник тадбирларни мустақил амалга оширадиган, бутун мавсум давомидаги барча сарф-ҳаражатлар ҳисобини ҳам ўзлари олиб борадиган бўлди. Шу тариха шолкорларда тежамкорлик одати шаклланди. Ҳит, кимёвий дорилар, техникани ишлатиш жараёнидаги кераксив ва ортиқча харажатлар барҳам топди. Энг муҳими — шолкорларнинг ерга, меҳнатга муносабатлари тубдан ўзгарди. Улар асосий мақсад — соф даромадни кўпайтиришнинг бош омилли бўлган ҳосилдорликни ошириш пайига тушдилар. Қисқа даврда гербицид ва маъданли ўғитлардан оқилона фойдаланишнинг халдини олдилар. Натиждада ҳосилнинг биринчи душмани ҳисобланувчи бегона ўт муаммоси узил-кесил ҳал этилди. Мана, бир неча йилдирки, хўжаликнинг барча майдонларида шולי бегона ўтлардан холи, қатъий агротехника асосида парвариш қилинаётгани сабабли ҳосилдорлик барқарор кўтарилиб борапти. Эндиликда қачон эзлик центнердан кам ҳосил олиганини эслаш қийин. Ақсичча, ўтган йили 65 центнерга етди.

— Ҳосилдорлик ҳам декорнинг меҳнатига баҳо беришда асосий кўрсаткич, — дейди хўжалик бошқаруви раисининг муовини Умрзоқ Раҳмонқуллов. — Аммо, бизнинг шолкорларимиз кўпроқ соф даромадни тан олашади. Чунки, ҳосилдан доимо кўнгиллари тўк. Биз уларни бутун парвариш давомида керакли ҳамма нарса билан вақтда таъминлаб борамиз, шолкорлар эса парваришини ўрнига қўйишади.

Меҳнат қилган кишининг аввало, даромадни уйлаши

табий. Чунки, ишлашдан мақсад яхши яшаш. Нафисламбирини айтганда, навоийликлар яхши яшашга ятти ҳам. Буни биргина ўтган йил якунида аққол кўриш мумкин. Хўжаликнинг умумий даромади 1 миллиард 600 миллион сўм бўлса, шундан 620 миллион сўми соф фойда. Раҳбарларнинг айтишларига қараганда, айрим илгор шолкорларнинг йиллик даромади 4 миллион сўмданга тўри келди. Бу ўринда изохнинг хожати бўлмас керак.

Дарвоқе, шолкорларнинг машаққатли меҳнатлари билан бунедга келаётган ана шу миллион-миллион даромадларни қандай қилиб оқилона тасарруф этишни

Тўй-ҳашам ва маърака ўтказувчиларга оғирлик тушмаслиги учун сарф-ҳаражатнинг бир қисмини хўжалик кўтарилади. Турли байрамларда табарруқ ва боорбў кексаларни, ёлғиз қариёлари, муҳтож оилаларни йўқлаб туриш аниъанга айланган. Бундай йўқловлар ҳам қуруқ бўлмайди, албатта.

Хўжалик ҳудудидаги шолкорларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шaroитини яхшилаш масалалари ҳам бошқарув раҳбарларининг доимий эътиборида. Аслида, олий маълумотли мутахассис Турсуножа Исқандаров шу хўжаликка раҳбар этиб тайинланган дастлабки йиллардаёқ ҳудуддаги 1200 та хона-

бири кунига 8-10 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-янчишга ятти. Хўжалик бўйича эса, 40-50 гектар ердаги ҳосил йиғиштириш олинаётган экан.

Бу — ўн кун олдинги гап. Ҳозир шולי ўрими якуний босқичга ўтди. Кунига 120-130 гектар майдонда шולי ўриляпти. Демак, 2500 гектар ердаги ҳосилни узати била бир ойда ўриб-янчиб олиш имконияти бор. Демак, бир бошқ шולי ҳам ёлғисочинли кунларга қолдирмай, оморларга босилади. — Биз учун энг муҳими — ҳосилдорлик ҳар йилдан юқори бўлмаяпти, — дейди тажрибали шолкор, узоқ йиллардан бери бригадирлик



қилиб келаётган Валерий Тхай. — Ўртача 75 центнерданга тўри келаяпти.

Омонгелди Музаев бош бўлган пудратчилар дала-сида эса, улардан 5 центнер юқори. Аммо, ҳозир улоқ Озод Акбаров бошлик пудратчиларда. Улар етиштирган шולי 85 центнердан ҳосил тўкаяпти. Умуман, хўжаликда шолиси пачокроқ майдоннинг ўзи йўқ. Шундан бўлса керак, раҳбар ва мутахассислар бу йил хўжалик бўйича 70 центнерлик марча ра эгалланса ажабмас, деб туришибди. Кўришиб турибдики, хўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақамидан турган миллионларга, энг асосийси — миллионер шолкорларнинг рўзгорига бу йил янада баррака қиради.

Соф даромаднинг анчагина қисми техникани ва транспорт воситаларини бутлаб боришга сарфланади. Ҳозир хўжаликнинг 6 та «Кейс» ва 20 дан зиёд «Сибиряк» комбайн бор. Шундай экан, хўжаликнинг шолиси ҳеч қандай далада қолмайди.

Биз яқинда хўжаликда бўлдиқ. Рустам Акбаров, Рустам Самуродов, Владимир Дрижаков сингари тажрибали операторлар ўз «Кейс»ларида ўрими бошлаб беришибди. Уларнинг ҳар

Абдусаммад Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» мухбири. СУРАТЛАРИ: бошқарув раиси муовини Умрзоқ Раҳмонқуллов (оғда) ва бош пудратчи Омонгелди Музаев ҳосил қўлдан ташлаш; комбайнчи Владмир Дрижаков кунига 40-50 тонна шолни ўриб ячмоқда. Даврон АҲМАД олган сурат.

Полимерлар бизнинг ҳаётимизда

Бугунги кунда янги ресурсларни тежаш материалларини яратиш жаҳон фанининг энг истиқболли йўналишларидан бири саналади. Бу борада мамлакатимизда ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида уч кун давом этган ҳар йилги «Полимерлар-2002» республика анжумани ушбу фаолиятни ривожлантиришга бағишланди. Фанлар академиясининг юқори молекуляр бирикмалар илмий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган бу анжуманда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги етакчи олимлари ва мутахассислари, уларнинг Германия, Қозоғистон, Россиядан ташриф буюрган ҳамкасблари, шунингдек, республикамиздаги манфаатдор идоралар, уюшмалар, корпорациялар ва корхоналар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик С.Рашидова ўзбекистонлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган полимерлар тўғрисидаги фани ривожлантириш концепцияси бевоқифа ишлов қилинаётган иктиодиётимизнинг талабларига мўлжалланганини қайд этди. Ресурсларни имкон қадар тежашни ҳисобга олган ҳолда Юртбошимиз томонидан қўйилган рақобатбардор мақсулотлар ишлаб чиқаришини ташкил этиш вазифасини амалга оширишда олимлар ҳам фаол иштирок этаётир. Олимларимиз ишланмалари асосида республикамиз корхоналарида полимерлардан тайёрланаётган мақсулотлар турли кўнғаймоқда. Ушбу мақсулотлар турли соҳаларда, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, косметология каби жабдаларда кенг қўлланыляпти. Шу билан бирга, бу каби ишлаб чиқариш жуда фойдаландир. Негаки, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат ишлаб чиқаришининг турли чикиндилари, фойдали қазилмалар, нефть, газнинг қайта ишланган мақсулотлари полимерларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

А.ИВАНОВА, У.э.А мухбири.

Республика қўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида

ўтган ҳафтада, 1 та ким ошди, 1 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Ким ошди савдосида Зангиота тумани ҳудудидаги 12 та ер майдонлари, Қибрай тумани ҳудудидаги 3 та ер майдонлари жами 9550,0 минг сўмга сотилди. Биржа савдосида «МА3-5334» давлат рақами 11АА 468 бўлган ва «Форд-темпо» давлат рақами 10А 0947 бўлган нодавлат автотранспортлари жами 2200,0 минг сўмга, 1 та Олмалик шаҳрида жойлашган Ёрдамчи хўжалик биноси (45,6 кв.м.) 120,0 минг сўмга сотилди.

Ким ошди савдоларида 10.04.2002 йилда сотилган Янгийўл тумани, Гўлбаҳор қўрғонида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 400 кв.м. бўлган №9, 10, 19, 20 ер майдонларининг ва 24.04.2002 йилда сотилган Янгийўл тумани, Гўлбаҳор қўрғонида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 400 кв.м. бўлган №17, 18, 19, 20 ер майдонларига нисбатан ким ошди савдоси натижаси бекор қилинди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Қўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азиятларни 2002 йил 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 10.00 да ўтказиладиган навбатдаги ким ошди савдоларига таклиф этади.

- Савдога қўйиладиган қўйиладиган: 1. Олмалик шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 5-уйнинг биринчи қаватидаги нотурар жойнинг 206,42 кв.м. бўлган қисми. Бошланғич баҳоси - 2 267 300 сўм. 2. Чирчиқ шаҳар, 9-кичик ноҳия, 30-уйнинг биринчи қаватида жойлашган 322,6 кв.м. нотурар жой биносининг бир қисми. Бошланғич баҳоси - 4 033 050 сўм.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган қўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг қарид тўловларидан ташқари, яъни давлат божига ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридидаги маблағ ва ДСИ томонидан хатланган мулк учун баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Хўжалиқлаштиришга қўчмас мулк савдо маркази» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади. Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Бу қишлоқ аҳолисининг ҳаёти, меҳнати, интилишлари ҳамма замоналарда тилларда дoston бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам мустақил юрт иктиодиётимизда ва маънавий-маданий ҳаётининг барча йўналишларида уларнинг ишлари ибратомуз. Бу ҳусусда гап очилса, қишлоқ фуқаролари йилнинг раиси Зориржон Пирматов Ёшига ҳос бўлмаган бир бошқик, вазишлик билан шундай галлардики, унинг ҳикоялари суҳбатдошлар ёнда умр бўйи муҳрланиб қолади.

— Одамларимиз меҳнаткаш, ҳамиятли, — биз баланд тепалиқни ёриб ўтган асфальт йўл бўйида турибмиз. — Қаранг-а, шу адрларни новотдан ширин, кўёш ёлқинини сингдириб етилувчи мана шундай узумзорларга айлантириш учун қанчалар меҳнат қилди? Мевазор болгар-чи? Ёлғиз галла майдонларимиз бу йил 1150 гектарга етиб бори. «Номданақ» ширкат хўжалигимизнинг ўзи етиштирган галла давлат шартнома режаси, одамларнинг оморборлидан ортиб, 600 тоннаси жамоа оморига тўқилди. Бугуннинг Абдусаммад Қорабобов, Мавлон Хожиев, Абдурашид Курбанов сингари тадбирли, ташаббускор раҳбарлари сувлими, лалмими, еримизнинг ҳар қаричини маъмурилик қонига айланти-

ришга бош-қош. Қишлоқ пастиликка, Қизилқум қирғоқларигача қўзилган. Ҳар бир қўрғон ўз афти-ангорига эга. Хонадонлар обод, кўркам. Қишлоқ йўқлари ҳам қатта-файзли. Кичи чети ботон аржик, бир парча очик жой бўлса — гулзор ёки дарахт экилган.

ниҳоятда қадрили бўлиб қолди. У ёшларга оилаларнинг ички ҳаёти давомида, кейин боғча ва мактабда сингдирилган. Орада тўққиз йиллик узилшдан кейин яна директорлигига қайтди. У раҳбарлик қилаётган ўқитувчилар жамоаси меҳнатнинг натижаларини Паркент томонларда биргина курсатки билан таърифлашади — ҳар йили битирувчи йилгирмадан ортик йилгир-қиз олий ўқув юртиларига қиради.

Кўп йиллар ҳарбий билим юртиларига боришди. Айтиш мумкинки, кенжа авлод қўлида бу иштиёқи ақа-ўқа Абдуллаевлар намунаси кўчатириб борибди. Бир қондон фарзандлари Муҳиддин, Шаҳобиддин ва Ҳабибулла ўз ҳаётларини ҳарбий хизмат билан қамбар-

лардан етишиб чиққан зобитлар Олмалик, Қибрай, Янгийўл ва Тўйтапта мудофаа ишлари бўлимларини бошқармоқдалар, ҳарбий қисмларга қўмондонлик қилмоқдалар. — Зориржоннинг сўзларида алоҳида ифтихорни сезамиз. — Раҳман Аббосов, Муҳиддин Абдуллаев, Абдушукур Турдубоев ҳарбий академияни битиришди.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Мурод Абдуқодиров мактабда бошланғич ҳарбий таълим ташаббускорлиги сифатида танилган. Ҳарбий хизматдаги йилгирларнинг тўғилиб ўсган қишлоқларига ҳар гапги келиши айнакча болалар учун зўр қувонч. Мурод ака зобитлар курсантлар ёки олдий аскарларнинг улар билан учрашувлари-

ни уюштириб чарчанади. Бугунги армиянинг, замонавий жанговар техника ҳақидаги суҳбатларни болалар сеҳрландек тинглашади. Қарабсизки, мактаб битказилган, ҳарбий билим юртига ўшша отланган — қирувчи учувчи, танки, командир ёки умумқўшин зобитлари бўлиб етишишга, ўзини Ватан хизмати га бағишлашга тайёр йилгирлар қанча...

Номданақ йилгирларидан Абдор Абдуқодиров, Раҳман ва Илёс Валихонвалар, Абдудманнон Абдуқуллов, Шерзод Боботоев, Илёс Юнусов, Мақсуд Каримов, Баҳодир Турсунобоев бугун турли ҳарбий билим юртилариди ўқиша-япти.

Бокий бу ҳаётнинг қадим андозалари мустақиллик йилларида Номданақ мисолида янги кун билан намоён бўла бошлади. Бу — азиз Ватан сарҳадлари дахлсизлигини ардоқлаш, уни ҳимоя қилишга ҳаммаша тайёр туриш. Бу иштиёқ ёшлар қалбига сингириб, оталар ва болалар ибратига садақотга даъват эти турар экан, демакки, осмонимиз тинч, кўёш эса унда ҳаммаша қанбақ туравордир.

Жўрабек МУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МУКОФОТ ЭГАЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Швецияда Нобел ҳафталиги давом этмоқда. Етти кун давомида жаҳонда энг нуфузли мукофотнинг эгалари аниқланади. Стокгольм ва Ослода турли мамлакатлардан йиғилган олимлар интиқлик билан мукофот кимга насиб қилишини кутаётир. Маълум бўлишича, шу ҳафтанинг ўзидеёқ олти соҳа бўйича совриндорлар номи эълон қилинади. Жумладан, физика, кимё, адабиёт, иқтисодиёт ва тинчлик йўлидаги саъй-ҳаракатлар учун мукофотлар. Йилга юзлаб номзодларнинг санокли қисмигина Нобел мукофоти соҳибига бўлади. Нобел мукофоти олим вафот этган кун - 10 декабрда тантанали равишда тақдим этилади.

ШИФОСИ БОР ЭКАН

АҚШ ҳамда Буюк Британия олимлари инсоният учун энг ҳавфли бўлган касалликлардан бири бўлиш безгадка даво топди. Ҳар йили миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлаётган бу хасталик шу вақтга дaвoсиз деб ҳисобланарди.

Олимлар касаллик қўзғатувчи плазмадининг генетик қодини аниқлашга муваффақ бўлди. Тадқиқотчилар эришган натижа келгусида юз фоиз самара берадиган дори тайёрлашда қўл келади, деб ҳисобламоқда.

Тадқиқот муаллифлари Британиянинг Сан-Жеро, Калифорниянинг Стенфорд университет ва Мерилендаги тиббиёт илмий-тадқиқот институти ходимларидан иборат. «Нейчур» журналининг ёзишча, мажбур тадқиқот ишлари 6 йиллик муддатга мўлжалланган ва унинг харажати 29 миллион АҚШ долларигача етади.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Кот д'Ивуарда юзга келган бекорорликка барҳам бериш учун халқаро ҳамжамият томонидан жиддий ҳаракатлар бошланди. Ҳар йили бу ерда ҳарбийлар исён кўтариб, отизмалар натижасида юзга яқин киши ҳалок бўлди. Бундай тартибсизликлар ҳамон давом этмоқда.

Уша пайтдан бери исёнчилар Буаке шаҳрини қамал қилиб турибди. Қуни кеча эса ҳукумат қўшинлари исёнчилар билан музокара бошлади. Фарбий Африка давлатлари вазирлари воситачилигида ўтаётган музокара икки самара бериши кутилмоқда. Мухолифчилар муроца қилишга розилик бермоқда.

### ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИК КўРГАЗМАСИ

Кунчиқар мамлакат пойтахти Токио шаҳрида "Ўзбекистондаги янги археологик топилмалар" номи билан кўргазма очилди.

Маълумки, Халқаро Ипак йўли академияси директори, Япония Миллий этнология музейи фахрий профессори ва Ўзбекистон Санъатшунослик институти фахрий доктори, профессор Кюдзо Като бир неча йиллардан буён юртимизда олиб борилаётган археологик тадқиқотларда фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда у Япониянинг ётачи олий ўқув юртиларида Ўзбекистон тарихи тўғрисида қатор лекциялар ўқиб, семинар ва кўргазмалар ташкил этмоқда. Тадқиқотлари асосида йирик илмий асарлар ёзиб, матбуотда мақолалари билан қатнашмоқда.

Унинг "Ўзбекистон жанубидаги қўна обидалар", "Марказий Осиёнинг машҳур кишилари" ва "Буюк ипак йўли чорраҳасида"

сарлавҳали китоблари шулар сирасига кирди. Мамлакатимиз тарихий ёдгорликларини чуқур тадқиқ этиш ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан хиссаси учун жорий йилнинг май ойида профессор К.Като Ўзбекистон Республикаси Президентини фахрий билан тақдирлади. Машҳур япон олими, археолог К.Като фаолиятини акс эттирувчи маъмур кўргазма намойиши Токиодаги Оракучо Асахи галереясида сўнг Нара шаҳридаги Якушичи номи кўна ибодатхона биносини ва Фукуокадаги шаҳар музейида жорий йилнинг 15 декабрига қадар давом этади.

Беруний АЛИМОВ, "Жаҳон" АА, Токио.

### НОМАЛАР

Номалар битилган қадим-қадимдан, Бунга имзо чеккан неча алаома. Бир хато излаб ҳар бир одимдан, Бир эзуликка қўйган изнома. Тарихқа қайтмоқчи эмасман, Лекин, Баъзи мактублардан эзилар юрак. Одамки дунёга устунмас, Тоқим, Ўш ҳаёт қилнидир қилар чархалак. Ўқни қиро қилмоқ осондир, Ўсон — Ёғоч рангини ҳам суз қилур бўёқ. Аммо, Ни қилмоқдин авалароқ, Инсон, Олди-орқанга қараб, секин қўй оёқ. ... Номалар эзилар бундан кейин ҳам, Бакир, Қилдир яна излар хатолар. Майлаги, Юз йиллар эмса-да давом, Орага қирмасин маккор баттоллар!..

Расулжон ЮНУСАЛИЕВ, Бекобод тумани.

### СЕН...

Оҳ бечора менинг ошқ юрагим, Айт қачон муҳаббат вассиса етдинг?... Очун муҳаббатдан излайман жавоб, Дунёнинг бесамар ғамидан қушиб, О, етим муҳаббат, кўзим сенга ҳоб Ҳажрон ғамларингдан кетдимку тўйиб... Кел, сени бир бора босай бағримга, Нарис ифронидан буй олай бир зум. Севи ато этган тоқат-сабримга, Тошлар ҳам чидомай бўлиб кетар кум... Сен кўздаги юлдузимсан, Қўлим эмас, қўлим эмас... Сен кеча-но кундузимсан, Тиним билмас, тиним билмас... Сен юрагим кулбасида, Ёлғизимсан, Ёлғизимсан. Муҳаббатим осмонда, Порлаган ишқ юлдузимсан. Бу омонат дунёдаги, Бағрини сен тирагимсан. Очмаган гулча каби, Юрагимсан, юрагимсан...

Фазлиддин МҮЙДИНОВ.


### КЎШИҚЧИ БОЛАМАН

Мен ўзим ажайиб боламан, Қол десанг ёнида қоламан. Юзига хурсандлик соламан, Мен ўзим қўшиқчи боламан. Исимни айтмасанг бўлмайди, Мен уни қўйларга соламан. Айтмасан юрагим тўймайди, Мен ўзим қўшиқчи боламан. Бир ўзинг боғда гул термасин, Чорласанг ёнига бораман. Сен мени унутиб қўймагин — Мен ахир қўшиқчи боламан. Бошигга қўнган бахт қушини, Учириб қўймагин сен уни. Сен учун ёзилган Дилшодинг Дил сўзини учириб қўймагин. Фазлиддин МҮЙДИНОВ.

### ОЛТИН ВА КУМУШ МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Пусанда ўтказилаётган XIV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар дадил ҳаракат қилапти. Мамлакатимиз ҳисобига биринчи бронза ва олтин медал келтирган велоспортчи С.Крушевскийдан кейин юнон-рум курашчиси А.Чеглаков 96 килограммлик полвонларнинг финал баҳсида жанубий корейлик Пак Му Юнгни 5:0 ҳисобида мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Вазни 60 килограммча бўлган курашчилар баҳсида Д.Орипов кумуш медал билан қифолланди.



Р.Начаев 50 метрга эркин усулда тажрибали беллашуварларида маррага биринчи бўлиб етиб келди. Бунгача мамлакатимиз учун биттадан олтин ва кумуш медал келтирган гимнастикачи О.Чусовитина яна юқори натижани қайд этди. Спорт гимнастикасининг эркин машқ баҳсида навбатдаги олтин медални қўлга киритган спортчимизнинг кейинги чиқиши кумуш медалга лойиқ топилди. Умуман олганда, бошқа гимнастикачиларга нисбатан катта тажрибага эга бўлган О.Чусовитинанинг тўртта — иккита олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлгани кўпчилики хайратлангирмоқда.

Теннис мусобақаларида эркалар ўртасида жомалар баҳсида теннисчиларимиз учинчи ўринни эгаллади. Лекин аккадлик баҳсида О.Огородов ва В.Куценко мусобақани давом эттирмоқда. Бундан ташқари, уч боқчимиз — Д.Махмудов, И.Бердиев ва Р.Саидов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Зохир ТОШХУЖАЕВ, ЎзА шахрловчиси. Анвар ИЛЁСОВ, (Жаҳон АА) олган сурат.

### «УСТА НОРМАТ» РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

Кейинги йилларда юртимизда барча спорт турлари қатори футболга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида футбол оммалаштириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор мусобақалар уюштирилмоқда.

Шулардан бири ҳар йили ўтказиш аниқлаб айланиб бораётган маҳалла ўсирилари ўртасидаги футбол мусобақалари. Бу йил ҳам юртимиз маҳаллалари ўсирилари ўртасида ана шундай қизқарарли футбол ўйинлари бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз вакили, Оққўрғон туманидаги Уста Нормат маҳалласининг ўсирилари жамоаси республика кулбасида «Энг мохир ярим ҳимоячи» номига сазовор бўлди.

Дастлаб, худудий мусобақаларда муваффақиятли иштирок

этиб, голибликини қўлдан бермай республика финал боқимчига етиб келган жамоа ҳал қилувчи ўйинда Андижон шаҳрининг «Еш қуч» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, яна бир бор ҳақиқий қўли жамоа эканлигини исботлади ва республика чемпиони бўлди. Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, ушбу жамоада тўп сурувчи Беҳзод Муҳимов республика миқёсида ўсирилари ўртасида «Энг мохир ярим ҳимоячи» номига сазовор бўлди.

### Талабалар билан учрашув

Ўзбекистон Миллий университети "Маънавият ва маърифат" марказида Ўзбекистон Қажрамон, таниқли адабиётшунослари Олим Озод Шарофидинов билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда маъмур даргоҳининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди. Учрашувда маъмур университет ректори Т.Долимов, таниқли адабиётшунослари И.Ғафуров ва бошқалар ҳозирги ўзбек адабиётида юз бераётган туб ўзгаришлар, захматқар олим О.Шарофидиновнинг бу жараён ривожига қўшаётган муносиб хиссаси ҳақида сўзлади.

### МУАЛЛИМАЛАР ЎРНАК БЎЛИШДИ

Тошкент тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан тиббиёт ҳамадан халқ таълими мусоабаларида иштирок этган хотин-қизлар ўртасида спартакиада ўтказилди. Мусоабаларда 600дан зиёд аёллар иштирок этди. Спортнинг олти тури бўйича ўтказилган баҳсларда ўз эчкилги, қаққонлигини намойиш этиб муаллималар — 3-ўрта мактабдан Нафиса Бухорбиева, 12-ўрта мактабдан Санобар Рафикова ва 31-ўрта мактабдан Фарида Юрбаева лар голиб деб топилди. Голиблар диплом ва эрдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мастура ШОКИРОВА.

Эрталаб соат ўнларда ишондан толпириқ олиб сафар хужжатларини расмийлаштириб йўлга чиқдим. Манзилга етганимда, кун кеч бўлиб қолган эди. Мухташам бинонинг учинчи қаватига қўйрилиб раҳбарларни сўрадим. «Биринчи ўринбосар борлар», деди қотиба. Хузурга кирдим. Салом-алиқдан сўнг ўзимни танитиб, келишдан мақсадини айтдим. У «Жуда яхши» дедию қотибани чорлаб, чой келтиришни буюраркан, бир одамнинг исми шарфини айтиб, уни чақирини сўради.

Кўп ўтмай хонага басавлат, бир қўлида қалин дафтар тўтган ўрта ёшлардаги киши «мумкинми» деб кирди.

Келинг Мирза ака, — деди биринчи ўринбосар ва ҳол-аҳвол сўрашган, таништирди: — Бу киши сиз боришингиз керак бўлган ташкилот раҳбари, мяхмон Тошкентдан...

Кўзларимиз беихтиёр тўнашди. У ҳурмат юзасидан жилмайган бўлсада маюс, хаёли паршондек кўринди. Чарчагандир, кейин бир катта одорига раҳбарлик қилиш исагини деб ўйладим.

— Бўлмаса бундай қилсак, мақсадга қўнди биринчи ўринбосар. Йўл юриб ҳорангисиз, кейин бу ёғи кеч қиряпти. Сиз бугун дам олинг. Эртага эрталабдан режалаштириш ишингизни бошлаверасиз. Мирза ака сиз билан бўладилар.

Пастга тушдик. Машина томон юраётганимизда, «Мяхмоннамиз мактайдиган даражада эмас. Яхшиси бизникига борамиз, уй кўп», деди хамроҳим. Уйига етганимизча бошқа гапирма-

чиرويلى безатилган. Бироздан кейин мезбон эгнига тўн, бошига дўпқи кийиб, қайтиб кирди. Нонни ушатиб, қизчаси келтирган чойни қайтара бошлади ва менга қараб: — Тошкентнинг қаеридансиз, мяхмон, — деб сўради. Яшаш жойимни айтдим. — Ие, талабалар йилларимен шу маҳаллада ижарада турганман, — унинг чехраси ёришди. — Балки биларсиз, раҳматли Зокир ота, Рихси хола деган одамлар ўтган.

— Мабодо Кабир ака деган одамни танимайсизми, — хаёлим бўлди уй эгаси. — Адашмасан ёши ҳозир тахминан олтимиш, олтимиш бешларда бўлса керак.

Уйладим, аммо унақа одамни эсломмадим. Кейин сўхбатдошимдан сўрадим: — Нима иш қилади, фамилиясини билмайсизми? Балки фарзандларини танирсиз? — Афсуски, касби, насл-

насаби хусусида ҳеч нимани билмайман, — ҳўрсинди у. — Фақат билганим — бундан йигирма йиллар аввал хотини ва чақалок ўғли...

— Танишимизми? — Йўқ, ҳеч кимим эмас. Лекин, ўртада бир хатolik ўтган, — у кўксини гижимлаб мени амалдор ошансининг қўзига уйлантириб, қуда бўлишни қўлаб юради.

Яхшиси никоҳдан ўтармиш. Шунда гуноҳимиз ҳам ювиларди... Равшан БОБОМУХАММДОВ. (Давоми бор).

### Воқеий ҳикоя

Бўйнидан маҳкам қучди, — хайрият бугун вақтли келдингиз. Икки-уч кун сизни кўрмаганимга жуда соғиндим. — Она қизим, ўзимнинг куйидаги кўтаришдан, юзига табассум югурган, қувноқ бўлиб қолган эди. — Ишларимангиллашсин, аянғиз билан сизни Тошкентда уйнатиб келаман. Айтгандай, аянғизга айтган, мяхмонхонага дастурхон ёзсин. Мяхмон келдиран денг. Ховли, бир текис солинган кўркам уйлар хонадон эгасининг дидли эканини билдириб турибди. Мяхмонхона ҳам

### Узингизни синанг

АМУДАРЁНИНГ ҚАДИМГИ НОМИ... ЭНИГА: 1. Сарғайиб тўкилган барглар. 5. «... личоқ кинсиз қолмас» (мақол). 7. Автоматининг юк жойлашадиган қисми. 11. Дарё суви қўнайганда сув босадиган ерлар. 12. Устоз, ўқитувчи. 15. Амударёнинг қадимги номи. 16. Вилоят маркази. 17. Олдидан билан боғлиқ бўлган муносабат. 18. Баҳорда кечаси ҳавога инган мусоффо томчи. 21. Шароб, май. 22. Иртиқ дараёси бўйидаги йирик шаҳар. 26. Хамирсим қосметик модда. 28. Фарбий Африкадаги давлат. 29. Грузиядаги дарё. 30. Диний байрам. 36. Греция пул бирлиги. 37. АҚШ ғарбидирги штат. 39. «Сув келтирган ҳору-зор... синдириган азиз» (мақол). 40. Суоқлик ўлчов бирлиги. 43. Россия авторусуми. 44. Алдан дарёси ирмоғи. 45. Тўғшудан тайёрланган таом. 46. Монархия давлат бошлиғи. 47. Романдан кўра қичқирок бадий асар. 48. Мевали дарахт. 53. Хоразм вилоятдаги туман. 54. Уй-рўзгор буюми. 55. Еттисузда яшаган туркий қабил. 56. Самовий жисм. 59. Хуфёна, махфий. 60. Секинлик билан. 61. Мақтов, тасанно. 62. Давлат бошлиғининг қонун қунига эга бўлган буюруғи. БҲЙИГА: 2. Юк ташиш учун қўлланадиган иш қуроли. 3. Америка қитъасидаги номдош давлат ва пойтахт. 4.

### Шифокор маслаҳати

ГўДАК ОЁҚҚА ТУРГУНЧА Болалар — келажатимиз. Биз улар соғлом ўсишлари, билим олишлари ва ҳунор ўрғанишлари учун барча шароитларни яратиш ҳақиқатида бўламиз. Мия афсуски, эндигина эмалашга ва юришга ўрганиётган фарзандларимиз, айттайлик, шол касаллигига чалиниб қолади. У ўзини-ўзи эплаб, билимни ёки бирор касб эгаси бўлгунча даволашга тўғри келади. Бунинг учун эса, ойнар ва йиллар талаб қилинади. Тиббиёт ҳуқосаларига кўра бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари турлича. Қишлоқ, туман ва шаҳарларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, гўдалар шол касаллигига қарши тулик эмланмаслиги, соғлом болалар хасталикка чалинганлар билан бирга бўлишлари уларнинг асосийларини ҳисобланади. Ҳозирги кунда экологининг кескин ўзгариши, озик-овқат ва мива-сабзавотлар таркибиде турли химикатлар ҳаддан ташқари кўп тулланиши, бола касал бўлганида шифокорлар маслаҳатисиз дори-дармонлар истеъмол қилиши натижасида уларда учрайдиган айрим юқулли касалликларнинг аниқ клиник белгилари йўқолади. Шулар қатори шол касаллигида ҳам. Бу ўз навбатида хасталиқнинг клиник ҳолатини аниқлашни қийинлаштиради. Кузатишлардан маълум бўлишича, кейинги йилларда бу касалликнинг энгил ва ўртача турлари кўпроқ учрамоқда. Аксинча, оғирроқ турлари каймаган. Бу хасталик асаб толарининг ҳаракатга келтирилган орқа мия айрим қисмлари фаолиятининг бузилганлигидан далолат беради. У бир, икки, уч ёшдагиларда кўпроқ учради. Камдан-кам ҳолларда эса катталар бу дардага чалинадилар. Болалар қўчинча баҳор ва ёзда бу хасталик билан оғриб қоладилар. Улар кўпмак сув хавзаларида чўмилишлари, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасликларини натижасида шундай бўлади. Унинг клиник белгилари: бемор дастлабки кунданок беҳол бўлади, ўйку босади, қўнгли айниб, иштаҳадан қолади. Кечки пайтда эса исит-

маси кўтарилади. Енгил, ўртача, оғир турларига қараб, шифокор беморга тулик физioterлария олишни тавсия этади. Сифатли, калорияси юқори озик-овқатларни истеъмол қилиб турини маслаҳат беради. Оёқ панжалари тўғри туриши учун эса махсус ортопедик поймазал билан юриш лозимлигини таъкидлайди. Умртқа погонасида фалажлик кузатилса, каттиқ тўшақда ётиш лозим. Дори-дармонлар, физioterлария билан даволашни туфайли енгил турдаги бемор оғайиб кетади. Лекин кўл, оёқларида озинлик ва қувватсизлик узок муддат сақланиб қолади. Болаларнинг қўл, оёқларида қолган асоратларни фақат жарроҳлик усули билангина тўғрилаш мумкин. Халқимизда: «Дардинг келиши осон, кетиши қийин», деган ибора бор. Демокримизки, фарзандларимиз соғалигига лоқайд бўлмайлик. Касаллик аломати сезилдими, дарроҳ шифокорга мурожаат қилиш керак. Белпарволик оқибатида шолнинг ўрта, оғир турларига чалиниб қолганларга эса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасаруфидидаги Таянч-ҳаракат тизими бўзилган ногиронларни соғломлаштириш марказига мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Абдуқамол ОБЛОҚУЛОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Баҳодир АҲМЕДОВ, тиббиёт фанлари номзоди, илмий ходим.

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Шелефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48, Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифалонди.



Тяньшань тоғ туркумига кирувчи шта. 6. Мехмондорчилик, зийфат. 8. Қозогистон пойтахти. 9. Ҳоккей ўйинида қўлланиладиган «тўп». 10. Биронинг муваффақиятини кўрсотмаслик туғуси. 13. Ун икки буржининг бири. 14. Қўчманчи ҳаёт кечирувчи халқ. 18. Тик ўсувчи яшил жануб дарахти. 19. Розилик (акси). 20. Қубба шаклидаги том. 21. Япония авто русуми. 23. Литвадаги Каунас шаҳрининг эски номи. 24. Ўзбек эстрада гуруҳи. 25. Синфий жамоиятга мавжуд бўлган кишилар бирлашмаси. 27. Автомобили тўхтатиш қурилмаси. 31. Кураш бўйича биринчи ўзбек жаҳон чемпиони. 32. Сонни ифодаловчи график белги. 33. Соувқ, муздеқ. 34. N белгили кимёвий унсур. 35. Қучли, емирувчи бурон. 38. Денгиз соҳилларида яшовчи курақоёқли қуш. 39. Парда осиладиган дори. 41. Хонанда ... Махмудов. 42. Қилинган хизматларни тақдирлаб бериладиган нарса. 49. Денгиз чуқурлигини ўлчовчи гидроакустик асбоб. 50. Сувага зор, чанқоқ. 51. Ёввойи ҳаҷир. 52. Енисей дарёси ирмоғи. 57. Осиёдаги ислом давлати. 58. Мактабдаги ўқув хонаси. Тузувчи: Акрамжон ХУЖАМОВ.

Эълон ва билдирлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.